

Йигилишни утказиш регламентига таклиф киритилди. Таклифга кура йигилиш раислигига бош врач Б.Ниёзов, йигилиш котиблигига Л.Иноятова сайланди.

Презинтация учун "Kids Kitchen Group" МЧЖ рахбари Г.Нарзиева сузга чикиб, асословчи хужжатлар асосида МЧЖ фаолиятини кискача тушунтирди. МЧЖнинг пул айланма етарлича эканлиги, асословчи хужжатлар такдим килинганлигини бир болага 16570 сумлик беш махал овкат тайёрлаб бериш имконияти борлигини, хозирги кунда ошхонада фаолият юритаётган ходимлардан танлаб ишга олишни айтиб утди. Эълонда курсатилган бир кунга 19700 сумлик махсулотни кандай коплаши тугрисидаги саволга узининг кишлок хужалик махсулотлари, гушт, балик, сут ишлаб чиқариш имконияти борлиги билан асослаб берди.

Бош хисобчи М.Саттарова сузга чикиб, "Kids Kitchen Group" МЧЖ томонидан бир болага бир кунга 16570 сум таклиф килинганлиги сабабли, "Kids Kitchen Group" МЧЖни танлов голиби деб топиш таклифини киритди. "Kids Kitchen Group" МЧЖ 08.07.2021 йилдан буён фаолият юритиб келмоқда. Фаолияти давомида сифатли хамда ишончли иш олиб борганлиги сабабли 2022-йилда хам ушбу ташкилот билан шартнома тузиш таклифини киритди.

Булим бошлиги Л.Курбонова сузга чикиб, сихатгоҳда кам таъминланган, иммун системаси паст болалар соғломлаштирилиши уларга калорияли, витаминга бой озик-овкат махсулотлари берилиши кераклигини айтиб утди ва "Kids Kitchen Group" МЧЖнинг балик махсулоти, гушт махсулоти, турли хил сабзавотларни узи етиштирилиши инобатга олиб, МЧЖнинг имконияти юқорилигини таъкидлаб утди. Ва МЧЖни танлов голиби деб топиш таклифини киритди.

Колган ишчи гуруҳ ходимлари хам бир овоздан «Kids Kitchen Group» МЧЖ ни шу пайтгача олиб борган ишончли ва сифатли фаолиятини мақуллаб 2022-йил учун хам қайта шартнома тузиш таклифини киритдилар.

Йигилиш раиси Б.Ниёзов сузга чикиб, «Kids Kitchen Group» МЧЖ нинг имконияти мавжудлиги, сихатгоҳда даволанаётган болаларга сифатли, калорияли озик-овкат билан таъминланишини доимий равишда буюртмачи яъни сихатгоҳ маъмурияти томонидан назорат килиши Вазирлар Махкамасининг қарорида курсатилганлигини таъкидлаб утди. Шартнома Низом талаби асосида йил якунига қадар тузилиши, агар тайёрланаётган озик-овкат махсулотлари сифатсиз булса, шартнома бекор килинишини ва бошқа ташкилотлар билан шартнома имзоланишини айтиб утди.

Йигилиш атрофлича муҳокама килиниб, йигилиш

КАРОР КИЛАДИ:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Махкамасининг 2020 йил 10-январдаги 16-сонли қарори билан тасдиқланган Низом талаби асосида, вилоят болалар фтизиатрия сихатгоҳи ошхонасини аутсорсинг хизматида утказиш буйича «Kids Kitchen Group» МЧЖ да қолдирилсин.

2. Вилоят болалар фтизиатрия сихатгоҳи ва «Kids Kitchen Group» МЧЖ уртасида аутсорсинг шартномаси асосида хизматларини курсатиш буйича қайта шартнома тузилсин.